



**“Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил Давлат бюджети
даромадлари ижроси таҳлили”**

Султонов Умиджон Равшанович

Тошкент давлат Иқтисодиёт институти

“Молия ва молия технологиялари” кафедраси ўқитувчиси

10.10.usr@mail.ru

Tel: +99897-722-27-60

Аннотация: Давлат бюджети даромадлари 2023 йил якунида **231,7 трлн сўмни** ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **29,9 трлн сўмга** (14,8%га кўп) ошди. Тушумлар қўшилган қиймат солиғи бўйича қайтариш қолаб бериш ва фуқароларга харид суммасидан 1% “кэш-бэк” қайтариш суммаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган. Давлат бюджети таркибидаги Солиқ қўмитаси маъмурчилигидаги тушумлар 165,9 трлн сўмни, Божхона қўмитаси бўйича тушумлар 56,4 трлн сўмни ташкил қилди. Шу жумладан, бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар 47,2 трлн сўмни ташкил этди ҳамда солиқ тўловчиларга 21,6 трлн сўм миқдоридан қўшилган қиймат солиғи ва кэш-бек суммалари қайтариб берилди.

Калит сўзлар: Давлат бюджети, бевосита солиқлар, билвосита солиқлар, ресурс солиқлари, “кэш-бэк”, имтиёзлар, солиқ қарзи, ортиқча тўлов, йирик солиқ тўловчилар, акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи, трансферт.



Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари

2023 йил ижроси бўйича дастлабки натижалар

Давлат бюджети даромадлари 2023 йил якунида **231,7 трлн сўм**ни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **29,9 трлн сўмга** (14,8%га кўп) ошди. Тушумлар қўшилган қиймат солиғи бўйича қайтариш қоплаб бериш ва фуқароларга харид суммасидан 1% “кэш-бэк” қайтариш суммаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган.

Давлат бюджети таркибидаги **Солиқ қўмитаси** маъмурчилигидаги тушумлар **165,9 трлн сўм**ни, **Божхона қўмитаси** бўйича тушумлар **56,4 трлн сўм**ни ташкил қилди.


Шу жумладан, **бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар 47,2 трлн сўм**ни ташкил этди ҳамда солиқ тўловчиларга **21,6 трлн сўм** миқдорида қўшилган қиймат солиғи ва кэш-бек суммалари қайтариб берилди.

Жорий йилда солиқ ва божхона органларида йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи ва мавжуд ортиқча тўловлари суммаларининг **ўзаро ҳисобга олинishi йўлга қўйилди**. Солиқ ва божхона органлари товарларни импорт қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммалари **ўзаро ҳисобга олинди** ва бу тадбиркорларга ҚҚС қайтаришда вақтларини тежалишини ва айланма маблағларини сақлаб қолиш имконини берди.

1-диаграмма. 2022-2023 йиллар бўйича Давлат бюджети даромадлари динамикаси




2-диаграмма. 2022-2023 йилларда давлат бюджети даромадлари тузилмаси





3-диаграмма. 2022-2023 йилларда давлат бюджети даромадлари манбалар улуши динамикаси



Билвосита солиқлар бўйича даромадларнинг ўзгариши

Билвосита солиқлар бўйича тушумлар 2023 йилда **83,3** трлн сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **11,9** трлн сўмга ёки **16,7** фоизга ошди. Шундан:

- **Қўшилган қиймат солиғи** – 57,9 трлн сўм (2022 йилга нисбатан 5,7 трлн сўмга ёки 10,9%га ошди);
- **Акциз солиғи** – 15,8 трлн сўм (2022 йилга нисбатан 2,4 трлн сўмга ёки 17,7%га ошди);
- **Божхона божи** – 9,6 трлн сўм (2022 йилга нисбатан 3,9 трлн сўмга ёки 67,2%га ошди).

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси **15** фоиздан **12** фоизга пасайтирилишига қарамасдан солиқ ва божхона маъмурчилигида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ошди.

Хусусан, 2023 йилда солиқ органлари томонидан **34,0** трлн сўмни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан


1,2 трлн сўм кўп), божхона органлари томонидан **45,5** трлн сўмни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **6,9** трлн сўм кўп) ҚҚС бўйича тушумлар ундирилиши таъминланган, бундан ташқари солиқ тўловчиларга **21,6** трлн сўм маблағлар қайтариб берилган.

ҚҚСдан манфий фарқни қоплаш учун 2023 йил давомида тадбиркорлик субъектларига **21,6** трлн сўм миқдоридан (ҚҚС тушумларига нисбатан **27,2%**) маблағлар қайтарилди. Солиштириш учун, 2022 ва 2021 йилларда ушбу мақсадларда жами **19,3** трлн сўм ва **14,4** трлн сўм маблағлар мос равишда солиқ тўловчиларга қайтарилган.

Қайтариб берилган ҚҚС суммасининг **13,3** трлн сўми (67,7 %) **100** та тадбиркорлик субъектларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси маъмурчилигидаги корхоналарга товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган **2,0** трлн сўм қўшилган қиймат солиғи суммаси ўзаро ҳисобга олинди.

4-диаграмма. 2022-2023 йиллар билвосита солиқлар турлари бўйича тушумлар





Солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш ҳисобига тенг рақобат муҳитини яратиш ҳамда қўшилган қиймат солиғини йиғиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чоралар ҚҚС самарадорлигини ошириш имконини берди.

2023 йилда божхона органлари томонидан ҚҚС бўйича давлат бюджетига тушумларнинг 2022 йилга нисбатан **1,2 баробарга** кўпроқ ундирилиши таъминланди.

2023 йилда акциз солиғи тушумлари **15,8 трлн сўм**ни ташкил этди, 2022 йилги тушумларга нисбатан **2,4 трлн сўмга** ёки **17,7 фоизга** ошди.

2023 йил давомида солиқ органлари томонидан йиғилган акциз солиғи тушумлари 15,1 трлн сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **2,1 трлн сўмга** ёки **15,7 фоизга** кўп. Божхона органлари маъмурчилигида акциз солиғи тушумлари **701,4 млрд сўм**ни ташкил этди ҳамда 2022 йилга нисбатан **323,6 млрд сўмга** ошган.

Акциз солиғи тушумлари жорий йилда куйидагича кўринишда бўлди:

– алкоголь маҳсулотлари (пиво маҳсулотлари билан бирга) – **1,9 трлн сўм** (2022 йил – 1,5 трлн сўм);

– тамаки маҳсулотлари – **2,3 трлн сўм** (2022 йил – 2,0 трлн сўм);

– нефт маҳсулотлари – **278,6 млрд сўм** (2022 йил – 572,5 млрд сўм);

– табиий газ – **5,5 трлн сўм** (2022 йил – 4,2 трлн сўм);

– полиэтилен грануласи – **215,0 млрд сўм** (2022 йил – 251,4 млрд сўм);

– мобил алоқа хизматлари – **974,9 млрд сўм** (2022 йил – 868,0 млрд сўм);

– бензин, дизель ёқилғиси ва газни охириги истеъмолчига реализация қилишдаги акциз солиғи – **3,6 трлн сўм** (2022 йил – 3,4 трлн сўм).

2023 йил 1 мартдан 2023 йил 31 декабрга қадар импорт қилинадиган, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан якуний истеъмолчиларга сотиладиган Аи-80 русумли автобензин маҳсулоти ишлаб чиқарувчи учун акциз солиғининг “ноль” ставкаси белгиланиши ҳисобига жорий йилнинг ҳисобот даврида нефть маҳсулотларидан акциз солиғи тушуми **293,9 млрд сўмга** камайишига сабаб бўлди. Шу билан бирга акциз солиғи бўйича ноль ставкаси қўлланиши натижасида, 2023 йилда тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида **1,0 трлн сўм** қолдирилди.

Полиэтилен гранулалари бўйича 2023 йилда 2022 йилга нисбатан республика ҳудудида реализация хажми (биржа маълумотларига кўра, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан *полиэтилен реализацияси 16,9 минг тоннага ёки 409,7 млрд сўмга камайган*) пасайганлиги сабабли мазкур товар бўйича акциз солиғи тушуми **36,4 млрд сўмга** камайди.

Божхона божи. 2023 йилда божхона божи тушуми **9,6 трлн сўм**ни ташкил этди ёки 2022 йилнинг мос даври билан солиштирганда **3,9 трлн сўмга** ёки **67,2 фоизга** ошди.

Божхона даромадларининг ошиши асосан импорт ҳажмининг ошиши, айрим божхона имтиёзларининг амал қилиш муддатининг тугаши, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, расмийлаштирув жараёнининг тезлашиши ва божхона маъмуриятчилигининг янги усулларини жорий этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар билан боғлиқ.

Хусусан, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан товарлар импорти **8,6 млрд АҚШ долларига** ёки **30,6 фоизга** ошди.



1-жадвал. Товар импорти (2022-2023 йиллар)

| Товарлар номи | 2022 йил | Улуши (%) | 2023 йил | Улуши (%) | Фарқ | |
|--------------------------------------|-----------------|---------------|-----------------|---------------|----------------|--------------|
| | | | | | (+/-) | % |
| ЖАМИ | 28 162,4 | 100,0% | 36 781,2 | 100,0% | 8 618,8 | 30,6% |
| Транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари | 4 129,7 | 14,7% | 7 526,7 | 20,5% | 3 396,9 | 82,3% |
| Технологик асбоб-ускуналар | 3 952,4 | 14,0% | 5 272,3 | 14,3% | 1 319,9 | 33,4% |
| Металл ва металл буюмлар | 3 438,1 | 12,2% | 3 728,7 | 10,1% | 290,5 | 8,5% |
| Электротехника ва унинг қисмлари | 2 029,9 | 7,2% | 3 463,6 | 9,4% | 1 433,7 | 70,6% |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари | 2 483,5 | 8,8% | 2 690,7 | 7,3% | 207,1 | 8,3% |
| Фармацевтика маҳсулотлари | 1 787,1 | 6,3% | 1 847,8 | 5,0% | 60,7 | 3,4% |
| Нефть ва нефть маҳсулотлари | 1 275,1 | 4,5% | 1 686,9 | 4,6% | 411,8 | 32,3% |
| Кимё саноати маҳсулотлари | 1 373,2 | 4,9% | 1 558,9 | 4,2% | 185,7 | 13,5% |
| Пластмасса ва ундан ишланган буюмлар | 1 090,4 | 3,9% | 1 328,4 | 3,6% | 238,0 | 21,8% |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари | 963,4 | 3,4% | 1 040,5 | 2,8% | 77,1 | 8,0% |
| Бошқалар | 5 639,5 | 20,0% | 6 636,9 | 18% | 997,4 | 17,7% |

2023 йилда божхона тўловлари ундириладиган импортнинг умумий импорт хажмидаги улуши **74,7 фоизни** (2022 йилда **71,0 фоиз**) ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2023 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар жами **24,9 трлн сўмни** ташкил қилди, улардан молиявий ва суғурта хизматларига 13,3 трлн сўм, ҚҚС бўйича бошқа имтиёзларга – 11,6 трлн сўм тўғри келмоқда.

Шу билан бирга, 2023 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль ставкани қўллаш натижасида экспорт ва унга тенглаштирилган хизматларга **25,7** трлн сўм тўғри келмоқда.

“Ноль даражали” ставкани қўлайдиган солиқ тўловчи реализация қилинаётган товарлар

ва хизматлар қийматидан ҚҚС тўламайди, бироқ ҚҚС тўловчисининг барча ҳуқуқларини сақлаган ҳолда “кирувчи” ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлади.




Бевосита солиқлар бўйича даромадлар ўзгариши

Бевосита солиқлар бўйича тушумлар 2023 йилда **73,1** трлн сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **8,7** трлн сўмга ёки **13,4%**га ошди. Шундан:

- **Фойда солиғи** – 40,8 трлн сўм (2022 йилга нисбатан 3,1 трлн сўмга ёки 8,3%га ошди);
- **Айланмадан олинadиган солиқ** – 2,4 трлн сўм (2022 йилга нисбатан 105,4 млрд сўмга ёки 4,2%га пасайди).
- **Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи** – 29,9 трлн сўм (2022 йилга нисбатан 5,6 трлн сўмга ёки 23,2%га ошди);

2024 йил 1 январь ҳолатига фаол фойда солиғи тўловчилари сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **19,0** мингтага ёки **11,6** фоизга ошиб **183,5** мингтани ташкил этди.

5-диаграмма. 2022-2023 йиллар бевосита солиқлар турлари бўйича тушумлар динамикаси



2-жадвал. Фойда солиғи тўловчиси ҳисобланган топ 10 та тармоқ ва соҳалар ҳамда бошқалар

| № | Соҳа ва тармоқлар | 2022 йил | | 2023 йил | |
|----|-----------------------------------|-----------------|-----------------------|-----------------|-----------------------|
| | | Тўловчилар сони | Тўланган фойда солиғи | Тўловчилар сони | Тўланган фойда солиғи |
| | ЖАМИ | 169 357 | 37 649,9 | 180 901 | 40 778,9 |
| 1 | Тоғ-кон ва металлургия | 7 | 18 177,1 | 10 | 22 211,1 |
| 2 | Тижорат банк | 34 | 4 041,0 | 35 | 4 430,4 |
| 3 | Савдо | 50 218 | 2 925,5 | 53 148 | 3 551,9 |
| 4 | Ёқилғи энергетика комплекси | 37 | 2 217,9 | 39 | 1 076,7 |
| 5 | Озиқ-овқат ва ноозиқовқат саноати | 11 246 | 1 955,5 | 11 770 | 2 240,2 |
| 6 | Қурилиш | 18 893 | 1 266,3 | 19 209 | 1 344,1 |
| 7 | Хизмат кўрсатиш | 25 287 | 900,7 | 27 305 | 1 652,5 |
| 8 | Автосаноат | 30 | 927,9 | 31 | 772,8 |
| 9 | Кимё саноати | 13 | 791,2 | 13 | 186,9 |
| 10 | Бошқалар | 63 592 | 4 446,8 | 69 341 | 3 312,3 |



3-жадвал. Фойда солиғи тушумлари камайишига таъсир кўрсатган айрим харажатлар таҳлили

| № | Айрим харажат турлари | 2022 йил | | 2023 йил | |
|----|--|--------------------------|------------|--------------------------|------------|
| | | Чегириладиган харажатлар | % | Чегириладиган харажатлар | % |
| | ЖАМИ | 906 512,4 | 100 | 1 128 998,2 | 100 |
| 1 | Сарфланган хом ашё ва материаллар | 304 031,1 | 33,5 | 350 769,0 | 30,5 |
| 2 | Қайта сотиш учун сотиб олинган товарлар қиймати | 243 445,2 | 26,9 | 345 707,9 | 30,5 |
| 3 | Салбий курс фарқидан зарарлар | 70 252,7 | 7,7 | 61 502,9 | 5,5 |
| 4 | Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар | 63 837,5 | 7,0 | 78 193,8 | 6,8 |
| 5 | Фоизлар ва айрим чиқимлар бўйича харажатлар | 55 455,8 | 6,1 | 62 419,3 | 7,6 |
| 6 | Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси | 34 891,2 | 3,8 | 39 977,6 | 3,6 |
| 7 | Захира фондларини шакллантириш харажатлари | 13 612,0 | 1,5 | 13 407,7 | 1,6 |
| 8 | Сарфланган табиий, суюлтирилган газ харажатлари | 11 543,4 | 1,3 | 12 308,8 | 1,1 |
| 9 | Сарфланган ёқилғи харажатлари | 10 760,4 | 1,2 | 12 991,2 | 1,3 |
| 10 | Бошқалар | 98 683,10 | 6,4 | 151 720,0 | 11,6 |

Фойда солиғи тушумларининг 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **3,1** трлн сўмга ошишига қуйидаги соҳалар таъсир кўрсатди:

а) тоғ-кон ва металлургия саноати корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш товари ҳисобланган олтиннинг 1 унцияси учун жаҳон бозоридаги ўртача нарх **1941,8** АҚШ долларига ошиши фойда солиғи тушумларини ўтган йилга нисбатан **6,2** фоизга кўпайишига олиб келди;

б) харид чеклари суммасининг 1 фоизи “кэшбек” сифатида қайтарилиши (1,2 трлн сўм) савдо ва хизматлар соҳасида товар (хизмат) айланмасининг ўтган йилга нисбатан ошишига ҳамда солиқ тушумларининг **2,6** фоизга ошишига замин яратган.

Таҳлил қилинаётган даврда **43 058 та** қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан **21,4** трлн сўмлик товар айланма амалга оширилган.

Мазкур корхоналарнинг фойда солиғи базаси **1 206,4** млрд сўмга тенг бўлсада фойда солиғи нол ставкада белгиланганлиги ҳисобига **179,5** млрд сўмлик маблағлар ушбу корхоналар ихтиёрида қолдирилмоқда.

Шунингдек, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) электрон савдосини амалга оширувчи солиқ тўловчилар фойда солиғини 2 баравар пасайтирилган ставкада тўлаши ҳисобига улар ихтиёрида **14,7** млрд сўм маблағлар қолдирилган.

Бундан ташқари, фойда солиғи бўйича 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар 5 тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган



тадбиркорлик субъектлари ушбу солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкалари бўйича тўлаши белгиланди (30.12.2022й. ПФ-287-сон). Натижада 2023 йилда тадбиркорлар ихтиёрида **27,2 млрд.сўм** маблағ қолган.

Товар айланмаси 1 млрд сўмдан ошган кичик бизнес тоифасига кирувчи тадбиркорлар учун 1 йил давомида, кичик бизнесдан ўрта бизнес тоифасига ўтган тадбиркорлар учун 2 йил давомида фойда солиғи ставкасини 2 бараварга пасайтириш имкони берилди (30.08.2022й. ПҚ-364-сон). Натижада 2023 йилда тадбиркорлар ихтиёрида **58,5 млрд сўм** маблағ қолган. (Мазкур имтиёз Солиқ кодексининг 337-моддаси 11-қисми. 2- ва 3-хатбошларига киритилган).

2023 йил якуни бўйича **3 395 та** корхона экспорт фаолиятдан олган **5 604,5 млрд сўм** фойдасига ноль ставка қўллаган ҳолда **825,6 млрд сўм** имтиёздан фойдаланган.

Айланмадан олинadиган солиғи тўловчилари сони 2024 йил 1 январь ҳолатига 360 222 тани ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 833 тага ёки 0,8 фоизга камайди.

4-жадвал. Солиқ тўловчилар сони АОС тушуми қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкалари кесимида

| № | Ставкалар | сони | тушум | улуши |
|---|--------------------------|---------|---------|-------|
| | Жами | 360 222 | 2 393,1 | 100,0 |
| 1 | Қаътий ставка (20-30) | 49 582 | 858,5 | 35,9 |
| 2 | 4 % | 244 898 | 1 253,6 | 52,4 |
| 3 | 3 % | 18 428 | 68,1 | 2,8 |
| 4 | 2 % | 34 433 | 183,6 | 7,7 |
| 5 | 1 % | 12 881 | 29,2 | 1,2 |

2023 йил якунлари бўйича айланмадан олинadиган солиқ тушумлари **2,4 трлн сўмни** ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 105,4 млрд сўмга ёки 4,2 %га пасайган.

Солиқ тушумларининг камайишига қуйидаги омиллар сабаб бўлган:

- солиқ тўловчиларнинг ҚҚСга ўтиши ҳисобига – **6** фоизга;
- қаътий солиқ тўловчилар ўтган йилга нисбатан кам тўлагани ҳисобига – **9** фоизга;
- йил бошидан бошлаб 4 фоиздан юқори бўлган ставкалар бекор қилиниб ягона 4 фоиз ставка ўтнатилиши ҳисобига – **7** фоизга;
- республика ҳудудларининг 4 ва 5-тоифаларидаги туманлар ҳисобига – **3** фоизга.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўловчилари сони 2024 йил 1 январга келиб **5,5 млн тани** ташкил этган бўлиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **274,5 мингтага** ошган. Ўзини ўзи банд қилган шахслар эса таққосланаётган даврга нисбатан 850 мингтага ошиб 2,4 млн нафарни ташкил этди.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича тушумларнинг ўсишига иқтисодиётнинг барча секторларида ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини легаллаштириб борилиши ижобий таъсир кўрсатди. Бунда, республика бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фонди 2023 йил 1 январь ҳолатига **153,1 трлн сўмни** ташкил этган бўлса 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига эса **23,4 трлн сўмга** ошиб **176,5 трлн сўмни** ташкил этган. Ходимлар сони эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **348,5 мингтага** ошиб **5,4 млн** тани ташкил этган.



Ҳаёт суғуртасига жисмоний шахслар томонидан ойлик маошларини ўтказиб даромад солиғидан олган имтиёз бекор бўлиши натижасида 2023 йилда давлат бюджетига қўшимча **122,6 млрд сўм** маблағ тушиши таъминланди.

5-жадвал. Иш ҳақи даражасининг динамикаси

| № | Иш ҳақи миқдори | 2022 йил сентябрь | | 2023 йил сентябрь | |
|--------------|-------------------------------|-------------------------------|-------|-------------------------------|-------|
| | | тўловчилар сони, минг киши | улуши | тўловчилар сони, минг киши | улуши |
| 1. | 1 млн сўмгача | 742284 | 14,7 | 1 099 343 | 20,3 |
| 2. | 1 млн сўмдан 2 млн. сўмгача | 1480313 | 29,3 | 1 414 348 | 26,2 |
| 3. | 2 млн сўмдан 4 млн. сўмгача | 1586646 | 31,4 | 1 306 121 | 24,2 |
| 4. | 4 млн сўмдан 5,0 млн. сўмгача | 561688 | 11,1 | 397 905 | 7,4 |
| 5. | 5,0 млн сўм ва ундан ортиқ | 202452 | 4,0 | 1 185 880 | 21,9 |
| Жами: | | 5 055 050 | | 5 403 597 | |

2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилар сони **5,4 млн** нафарни ташкил этган ҳолда, 37 фоизи бюджет ташкилотлари, 63 фоизи хўжалик юритувчи субъектлар ходимларига тўғри келмоқда.

Бундан ташқари, 2023 йилда **348,5 та** янги иш ўрни яратилган бўлиб, ушбу рақам 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **6,0 мингтага** ошган.

Ўттиз олти календарь ойдан кам муддатда солиқ тўловчининг мулки 2022 йилнинг мос даврига (133,3 млрд сўмга) нисбатан **14,3 млрд сўмга** ошган.


Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиқлари ўзгариши

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича тушумлар 2023 йилда **28,1 трлн сўмни** ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **4,2 трлн сўмга** ёки **17,4%**га ошди. Шундан:

- **Мол-мулк солиғи** – 5,1 трлн сўм (2022 йилга нисбатан 1,1 трлн сўм ёки 27,0%га ошган);
- **Ер солиғи** – 6,9 трлн сўм (2022 йилга нисбатан 1,6 трлн сўм ёки 29,9%га ошган);
- **Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ** – 15,3 трлн сўм (2022 йилга нисбатан 1,4 трлн сўмга ёки 10,2%га ошди);
- **Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ** – 791,4 млрд сўм (2022 йилга нисбатан 87,3 млрд сўмга ёки 12,4%га ошган).

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар 2023 йилда **15,3 трлн сўмни** ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **1,4 трлн сўмга** ёки **10,2** фоизга ошди.

6-диаграмма. 2022-2023 йиллар Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиқ турлари бўйича тушумлар динамикаси





2023 йилда тушумларнинг ўсишига қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатди:

2023 йилдан бошлаб қазиб олинган қимматбаҳо, рангли, қора ва радиоактив металллар бўйича солиқларни уларнинг амалда реализация қилинган ҳажми қийматидан келиб чиққан ҳолда солиқ ҳисоблашни жорий этилиши ҳисобига (2023 йил 1 январгача — солиқ ушбу фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилган);

Жаҳон бозорида олтин нархи 7,8 фоизга ошди.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича тушумлар 2023 йилда **3,6 трлн сўмни** ташкил этди ва 2022 йилга нисбатан **568,8 млрд сўмга** ёки **18,7 фоизга** ошган.

2023 йилда тушумларнинг ўсишига қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатди:

– айрим турдаги кўчмас мулкка нисбатан қўлланиладиган мол-мулк солиғи бўйича пасайтирилган солиқ ставкасини 0,5 фоиздан 0,6 фоизга оширилиши;

– минимал қийматдан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган объектлар сонини 4 мингга кўпайиши;

– 221,7 млрд сўмлик солиқ қарзларини ундирилиши.

Жорий йилда айрим ҳудудларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мол-мулк солиғини ҳисоблаш учун бинолар ва иншоотларнинг минимал қийматига нисбатан қўлланиладиган пасайтириш коэффициентларининг (**0,5 дан 0,9 гача**) қайта кўриб чиқилиши солиқ тушумларига ҳам таъсир кўрсатди. Хусусан, 8 та туманда пасайтирувчи коэффициентлари ўтган йилга нисбатан пасайтирилди, 6 та туманда оширилди, пасайтирувчи коэффициентлар қўлланилмаган туманлар сони 18 тадан 21 тага кўпайди.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича тушумлар 2023 йилда **4,0 трлн сўмни** ташкил этди ва 2022 йилга нисбатан 596,1 млрд сўмга ёки **17,4 фоизга** ошган.

Жорий йилнинг ўтган даврида тушумларнинг ўсишига қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатди:

2022 йилда амалда бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкаларини ўртача **10 фоизга** индексация қилиниши;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи ставкасига нисбатан қўлланиладиган пасайтирувчи коэффициентни **0,3 дан 0,4** гача оширилиши.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғи бўйича тушумлар 2023 йилда

4 4 трлн сўмни ((мулк солиғи – **1,5 трлн сўм**, ер солиғи – **2,9 трлн сўм**) ташкил этди ва 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **1,5 млрд сўмни** ёки **152,5 фоизга** ошган.

Жорий йилнинг ўтган даврида тушумларнинг ўсишига қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатди:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мол-мулк солиғи ставкалари ва базавий ер солиғи ставкаларини ўртача **10 фоизга** индексация қилиниши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан базавий ер солиғи ставкаларига камайтирувчи ва ошириш коэффициентларини қўллаш;

тадбиркорлик фаолияти учун мўлжалланган нотуражой кўчмас мулк объектлари бўйича мол-мулк солиғи миқдорини ўтган йилга нисбатан ошириш бўйича чекловни бекор қилиниши (2022 йилда бу чеклов 2021 йилга нисбатан ўртача **30 фоиздан** кўп бўлмаган);

солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, янги маъмурий воситаларни жорий этиш, жараёнларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш, солиқ тўловчиларни хабардор қилиш ва маслаҳат бериш.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар 2023 йилда **791,4 млрд сўмни** ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 87,3 млрд сўмни ёки **12,4 фоизга** ошган.



2022 йилда амалда бўлган солиқ ставкаларини **10 фоизга** индексация қилиш солиқ тушумига таъсир қилган асосий омил бўлди.

Бошқа тушумлар ва солиқ бўлмаган тўловлар

2023 йилда бошқа тушумлар ва солиқ бўлмаган тўловлар **47,2 трлн сўмни** (2022 йилга нисбатан **12,1%га кўп**) ташкил этди. Ҳисобот даврида бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тўловларнинг асосий улуши давлат улушига эга корхоналар томонидан тўланадиган дивидендлар ҳисобига тўғри келди ва 19,4 трлн сўмни ташкил этди.


Қолган даромадлар, хусусан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат активларини хусусийлаштиришдан маҳаллий бюджетларга тушумлар – **584,7 млрд сўм** (2022 йилда **639,3 млрд сўм**);
- давлат божи – **2,9 трлн сўм** (2,7 трлн сўм);
- жарималар – **2,1 трлн сўм** (1,5 трлн сўм);
- йиғимлар – **1,9 трлн сўм** (1,6 трлн сўм).

Солиқ имтиёзлари

2023 йил **солиқ имтиёзлари** суммаси **34,9 трлн сўмни**, шу жумладан, Солиқ кодексига мувофиқ – **27,4 трлн сўмни** (78,7 %) ташкил қилди.

7-диаграмма. 2023 йил давомида солиқ турлари кесимида фойдаланилган солиқ имтиёзлари тўғрисида



2023 йил солиқ имтиёзлари умумий ҳажмида **ҚҚС** ҳисобига **24,9 трлн сўмни** (**71,5%**) ташкил қилди. Солиқ имтиёзлари умумий ҳажмида **акциз солиғи** ҳисобига солиқ имтиёзлари **1,2 трлн сўм** (**3,3%**), **фойда солиғи** ҳисобига **3,5 трлн сўм** (**10,0%**) тўғри келади.

Жорий йилда солиқ имтиёзлари умумий ҳажмида фойда солиғи ҳисобига **3,5 трлн сўм** (**10,0%**) ни ташкил қилади.

Шу билан бирга, солиқ имтиёзлари умумий ҳажмида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобига **810,7 млрд сўм** (**2,3%**)ни ташкил қилади.